ПАРАДИГМА ВА УНИНГ ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИ (ОЛМ) ГА МУНОСАБАТИ

Абдуҳамид Нурмонов

Статья посвящена раскрытию сущности парадигматических отношений лингвистических единиц и их отношения к лингвистической картине мира.

Clause is devoted to disclosing of essence paradigmatic of the attitudes of linguistic units and their attitude to a linguistic picture of the world.

Ҳар қандай система таркибий қисмларининг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунликдир. Тил ҳам система сифатида поғонавий ички тузилишга эга бўлиб, ҳар бир поғона бирликлари, айни пайтда, ўзаро узвий муносабатдадир. Демак, ўрганилаётган объектнинг моҳияти унинг бошқа объектга муносабатлари орқали аниқланади. Системавий тилшуносликнинг асосчиси Ф.де Соссюр лисоний бирликлар ўртасидаги муносабатларни ўрганишга жиддий эътибор берган ҳолда, уларни ассоциатив ва синтагматик турларга ажратади.

Унинг фикрича, тилнинг ҳозирги ҳолатида ифодаланган барча лисоний бирликларни синтагма назарияси ва ассоциация назариясига киритишни билиш керак [2;155-156].

Системавий тилшуносликнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ўрганилаётган объектнинг моҳиятини очиш учун асосий эътиборни унинг автоном ҳолдаги моддий томонига эмас, балки муносабатларига қаратади. Шунинг учун муносабат ва унинг турларини ўрганиш системавий тилшуносликнинг таянч нуқтасини ташкил қилади. Ҳар қандай нарса–ҳодисанинг мавжудлиги, ўзига хос хусусияти ва тараққиёти унинг объектив борлиқдаги бошқа нарса ва ҳодисалар билан боғлиқ бўлади [1;348]. Нарса ва ҳодисага хос бўлган хусусият бошқа нарса билан муносабати орқалигина намоён бўлади. Нарса ва унинг хусусияти хилма-хил бўлгани каби, муносабат ҳам турли-тумандир.

Ф.де Соссюр, гарчи тилнинг кўп босқичли ички тузилишини ҳис қилган бўлса ҳам, лекин лингвистик сатҳ ҳақидаги тушунчага келмаган эди. Шунинг учун ҳам бутун ва бўлак ўртасидаги муносабатларни ажратган ҳолда, бундай муносабатларни ҳам синтагматик муносабатлар таркибида ўрганган эди.

Унинг тилнинг ички тузилиши ҳақидаги ғоясини ижодий ривожлантирган Л.Блумфилд, Л.Ельмслевлар тилнинг кўпсатҳлилиги ва сатҳлар аро муносабат мавжудлиги ҳақидаги фикрни олға ташладилар.

Л.Ельмслев структура ўз ички тартибига асосланган иерархия эканлиги ва бу иерархияни фақат дедуктив йўл билан ёритиш мумкинлигини баён қилади. Худди шундай иерархияни ўрганишга мўлжалланган методни эса эмпирик ёки имманент-семиологик метод деб ҳисоблайди.

Тил сатҳлари назарияси бевосита Л.Блумфилд номи билан боғлиқдир. Унинг фикрича, тилни тавсифлашни энг қуйи сатҳ бўлган фонологик сатҳдан бошлаш лозим. Унда фонемалар миқдори аниқланади ва уларнинг қўшилиш имкониятлари белгиланади. Фонологик сатҳ тавсифлангандан сўнг юқори сатҳ-семантик сатҳга ўтилади. Бу сатҳ грамматика ва лексикани ўз ичига олади.

Н.Хомский эса лингвистик назариянинг марказий масаласи “лингвистик сатҳ назарияси” эканлигини такидлайди[3;64].

Шундай қилиб, тилшуносликда лингвистик сатҳ ва тил тузилишининг кўпсатҳлилиги тушунчаси пайдо бўлиши билан лингвистик муносабатлар тавсифи ҳам ўзгарди. Бир сатҳга мансуб бўлган бирликлар билан турли сатҳга мансуб бўлган бирликлар муносабати бир-биридан ажратилди. Натижада Ф.де Соссюр ажратган

синтагматик ва ассоциатив муносабатлар (Л.Ельмслев Ф.де Соссюрнинг ассоциация атамасини парадигма атамаси билан алмаштирди) бир сатҳга мансуб лингвистик бирликлар муносабати ҳисобланган ҳолда, турли сатҳ бирликлари ўртасидаги муносабат сифатида поғонали (иерархияли) муносабат ажратилди. Бундай муносабат айрим муаллифлар томонидан конститутив-интегратив муносабат деб ҳам юритилди [4;64].

Бугунги кунда лингвистик муносабат ҳақида гап кетганда, кўпчиликнинг кўз олдига синтагматик, парадигматик ва поғонали (конститутив- интегратив) муносабат келади. Лекин уларнинг ҳар қайсиси ўз ичида хилма-хил муносабатлардан ташкил топадики, уларни тасниф қилиш ва ўзларига хос белгиларини, муносабатлар системасидаги ўрнини аниқлаш бугунги тилшунослик назарияси учун долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги даврда парадигматик ва синтагматик муносабатни эътироф этмаган ва ўз тадқиқотларида унга амал қилмаган тилшунос деярли топилмайди. Шундай бўлишига қарамасдан, уларнинг талқинида хилма-хиллик хукм сурмоқда. Бундай хилма-хилликка Ф.де. Соссюрнинг синтагматик ва ассоциатив муносабатга турлича ёндашуви йўл очиб беради.

Ф.де. Соссюр ассоциатив муносабатни психологизм таъсирида изоҳлайди. Чунки унинг тил ҳақидаги таълимоти психологизм асосига қурилган эди. Унинг фикрича, сўз нутқий жараёнда, икки элементнинг бир вақтда талаффуз қилиш имконияти бўлмаган кетма-кетлик табиатига асосланган муносабатга киришади. Бу элементлар нутқ оқимида муайян чўзиқликда кетма-кет жойлашади. *–га, китоб, -лар* морфемалари *китобларга* тарзида кетма-кет жойлашиб, ўзидан катта бутунликни вужудга келтиради. Ана шундай чўзиқликка эга бўлган муносабатни *синтагматик муносабат* ҳисоблайди [2;155].

Иккинчи томондан, лисоний бирликлар нутқ жараёнидан ташқари ўзаро қандайдир умумий белги асосида хотирада муайян гуруҳларга бирлашиб туради. Масалан, *таълим* сўзи онгда *мактаб, китоб, муаллим* сингари бир қанча бошқа сўзлар билан боғланиб туради.

Бундай муносабатни синтагматик муносабатдан тамомила бошқача хусусиятга эга эканлигини кўриш қийин эмас. Кейинги муносабат чўзиқликка эга эмас, у мияда локаллашади ва ҳар бир шахснинг хотирасида сақланувчи ҳазинага мансуб бўлади. Бундай муносабат *ассоциатив муносабат* ҳисобланади [2;202].

Унинг фикрича, синтагматик муносабат доимо in praesentia (“воқеаланган”, “реал”), у икки ва ундан ортиқ аъзоларнинг актуал кетма-кетлигига асосланади. Аксинча, ассоциатив муносабат аъзоларини виртуал (воқеланмаган; хотирадаги), мнемоник каторларга бирлаштиради. Ассоциатив муносабат аъзолари доимо in absentia хусусиятига эга бўлади.

Ф.де.Соссюр концепциясидаги иккинчи зидланиш бўлган тил-нутқ зидланиши ассоциатив ва синтагматик зидланишга қиёсланади. Синтагматик муносабат нутқий фаолият билан боғланади (in praesentia). Лекин ассоциатив муносабат изоҳида у индивид психологияси билан боғланади. У ҳар бир индивиднинг онгида мавжуд эканлиги, шунинг учун индивидуал-психологик характерга эга эканлиги таъкидланади. Натижада ассоциатив муносабатнинг социаллиги инкор қилинади. Шу билан биргаликда синтагматик муносабат реаллашган, моддийлашганлиги билан имконият тарзидаги ассоциатив муносабатга зидланади. Бу эса ўқувчида гўё ассоциатив муносабат тил сатҳига, синтагматик муносабат эса нутқ сатҳига хос деган тасаввур уйғотади.

Б.Н.Головин 1970-73 йилларда нашр қилинган уч жилдлик “Умумий тилшунослик” номли китобда парадигматик ва синтагматик муносабатларни ёритишга жуда оз ўрин берилганига, Дж. Лайенс ва Ю.Д Апресянларнинг бу икки муносабатни ўқ асосида (парадигматик ўқ, синтагматик ўқ) изоҳлашларига танқидий баҳо берар экан, ўзи парадигматик муносабатни муайян инвариантларнинг ўзаро ва бир инвариант асосида

бирлашган вариантларнинг бир-бири билан муносабати сифатида изоҳлайди. Лекин парадигматик муносабат талқинида асосий эътиборни вариантлар муносабатига қаратади.

Унинг фикрича, тил структурасининг ҳар қандай сатҳидаги ҳар бир парадигма умумий инвариант атрофида бирлашган ва нутқий жараёнда ўзаро алмашиниш имкониятига эга бўлган вариантлар йиғиндисидир. Парадигма аъзолари бир умумий инвариантга эга бўлади. Нутқ жараёнида сўзловчи жумланинг коммуникатив мақсади ёки парадигма аъзоларининг структур хусусиятига кўра вариантларни танлаш имкониятига эга бўлади. Парадигма аъзолари тил структурасида мавжуд бўлади ва бир вақтнинг ўзида бир ўринни эгаллашлари мумкин бўлмайди.

Б.Н.Головин тил парадигматикасини “кўриш” учун тилнинг турли сатҳларида унинг қандай намоён бўлишини билиш кераклигини таъкидлайди. Жумладан, фонологик сатҳда бир фонема бир қанча позицион вариантларга эга. Турли тилларда позициялар миқдори ўзгариши мумкин. Лекин бундан позицион вариантлар моҳияти ўзгармайди. Унинг моҳияти шундаки, ҳар қандай фонема ўзининг позицион вариантларидан бири орқали воқеланади. Маълум бир фонеманинг вариантлар йиғиндиси парадигмадир [5;205].

Худди шу асосида морфемак сатҳда у ёки бу морфеманинг вариантлари парадигмани ҳосил қилишини баён қилади. Шу билан биргаликда муайян умумий маъно асосида бирлашган бир неча морфемалар ҳам бир парадигмага бирлашуви мумкин. Шунга кўра морфемик сатҳда парадигмаларни икки гуруҳга бўлади: а) мономорфемали парадигма; б) полиморфемали парадигма.

Биринчи парадигмада парадигма ҳосил қилувчи белги сифатида инвариантлилик, яъни морфема олинади, унинг воқеланган вариантлари парадигма ҳисобланади. Иккинчи парадигмада эса парадигма ҳосил қилувчи белги сифатида ҳар бир морфемада такрорланадиган бирлаштирувчи (интеграл) сема олинади. Масалан, эгалик парадигмаси, келишик парадигмаси, от ясовчилик парадигмаси ва бошқ. Кўринадики, биринчи парадигма ўз ичига нутқий жараёнда воқеланган нутқ бирликларини бирлаштиради. Аксинча, иккинчи парадигма имконият, моҳият, умумийлик хусусиятига эга бўлган тил бирликларини ўз ичига олади.

Лексик-семантик сатҳда ҳам парадигма ҳосил қилувчи белги сифатида маъно, бирлаштирувчи сема олинади ва лексималарнинг семик мундарижасини ташкил этган қайси семанинг бирлаштирувчилик (парадигма тузувчилик) вазифасига кўра, турли парадигмалар ҳосил бўлиши таъкидланади.

Лексик-семантик парадигматика юзасидан қимматли фикрларини билдирган Д.Н.Шмелев парадигма аъзоларининг ўзаро алмашиниб келолмаслигини баён қилади ва шу асосида бир хил шароитда ўзаро алмашиниб келолмайдиган бирликлар йиғиндиси парадигма эканлигини айтади. Масалан, *кекса, ўспирин, чақалоқ, йигит* лексемалари маънолари бир-бирини инкор қилади, улар бир хил шароитда ўзаро алмашиниши мумкин эмас. Шунинг учун улар «шахсларнинг ёш белгиси» умумлаштирувчи семасига кўра бир парадигмани ҳосил қилади.

Боғбон, чол, маккор лексемалари эса юқоридаги лексемалар муносабатига солиштирилганда бир парадигмага даҳлдор эмасдек кўринади. Шундай бўлишига қарамасдан, уларнинг ҳаммасида “шахс” семаси такрорланади. Ана шу бирлаштирувчи сема асосида улар юқорироқ, коттароқ парадигма таркибига киради.

Д.Н.Шмелев парадигмани парадигма аъзоларининг фақат ўзаро алмашиниши мумкин эмаслик белгисига қараб белгилаб бўлмаслиги, ана шундай муносабатда бўлмаган синонимлар ҳам маълум маъно умумийлиги асосида парадигма ҳосил қилиши ҳақида фикр юритади. Лексик синонимларни бирлаштириб турувчи маънони инвариант маъно, синонимларни эса вариантлар ҳисоблайди.

Б.Н.Головин ф.де.Соссюр кўрсатган ассоциатив муносабатнинг парадигматик муносабатга тенг эмаслигини, ассоциатив муносабат парадигматик муносабат тушунчасидан кенгроқ эканлигини таъкидлайди.

Шунинг учун ҳам у парадигма, парадигматик майдон, парадигматик муносабат тушунчаларини бир-биридан фарқлашга ҳаракат қилади.

Унинг фикрича, Ф.де Соссюр томонидан ассоциатив деб ҳисобланган барча муносабатларни парадигматик муносабат дейиш мумкин. Лекин бу муносабатларнинг барчаси парадигма ичига киравермайди. Муайян инвариантнинг вариантлари аниқ ифодаланган ҳолатлардагина парадигмани кўриш лозим. Агар инвариант билан вариантлар муносабати бўлмаса, парадигматик майдон, парадигматик қатор ҳақида гапириш мумкин, лекин парадигма ҳақида эмас [5;208].

Бизнинг назаримизда, парадигмани фақат инвариант-вариант муносабати асосида изоҳлаш парадигма доирасини торайтириб қўяди. Чунки инвариант-вариант муносабати умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса, имконият-воқелик диалектикасини ўзида ифодаловчи тил ва нутқ муносабатидир. Инвариант тилга, вариантлар эса унинг воқеланиши сифатида нутққа ҳосдир. Ҳар иккиси ўзига ўхшаш бошқа бирликлар билан, яъни инвариант бошқа инвариантлар билан, вариантлар бошқа вариантлар билан парадигма ҳосил қилиши мумкин. Хусусан, фонологик сатҳда муайян фонеманинг барча вариантлари шу фонеманинг релевант белгилари умумийлиги асосида бир парадигмани ташкил қилиши билан бирга, шу фонеманинг ўзи бошқа фонемалар билан маълум бирлаштирувчи белги асосида муайян парадигмани хосил қилади. Хусусан, лаблашмаган, тор [и] унлиси “лаблашмаганлик”, “торлик” релевант белгилари асосида [i], [ы], [I:] сингари вариантлар парадигмасини ҳосил қилиши билан биргаликда, у,ў,о,а,э фонемалари билан “унлилик” белгиси асосида бир парадигма аъзоси саналади.

Парадигматика тилни система сифатида ўрганишнинг бир аспекти бўлиб, у тилнинг ички тузилишини парадигмаларга гуруҳлаш асосида ўрганишдир. Демак, парадигматика ҳақида фикр юритишдан олдин парадигма ҳақида маълумотга эга бўлмоғимиз лозим.

Парадигма юнонча paradeigma “намуна” сўзидан олинган бўлиб, кенг маънода маълум умумий белги асосида бирлашган ва ўзаро зидланувчи ҳар қандай лингвистик бирликлар синфини билдиради.

Бу нуқтаи назардан тил катта ва кичик парадигмалардан ташкил топади. Кичик парадигмалар катта парадигмалар таркибига киради, катта парадигма эса кичик парадигмалардан ташкил топади. Масалан фонемалар парадигмаси унли ва ундошлар кичик парадигмаларидан ташкил топади. Ундошлар парадигмасининг ўзи овозлилар парадигмаси, шовқунлилар парадигмаси ва бошқа парадигмаларга бўлинади.

Парадигмани бундай тушуниш натижасида тил бир қанча кичик парадигмалардан ташкил топган катта парадигма сифатида изоҳланади. Тил тузилишида катта парадигма нисбий характерга эга бўлиб, ўзидан катта парадигма учун қисм, ўзидан кичик парадигма учун бутун вазифасини бажаради ва бундай муносабат ўзига хос шажарани ташкил қилади.Бир вақтлар В.Гумбольдтнинг тил ўзаро узвий чокланган улкан тўқимадир,-деган фикри ҳам тилнинг парадигмалар системасидан ташкил топишига ишора эди.

Парадигмага юқоридаги каби ёндашув тилнинг ички тузилиши парадигмалар таркибидаги парадигма, яъни системалар системаси сифатида изоҳлашга, тилнинг тузилиши мураккаб, (иерархик) поғонавий табиатга эга эканлигини очишга имкон беради.

Аслида парадигма тушунчаси антик даврда сўзнинг ўзгариш шакллари намунасини, яъни бир сўзнинг турли ўзгариш шакллари гуруҳини ифодалаш учун қўлланган.

Парадигмани бундай тушуниш натижасида грамматик категориялар (ГК) ҳақидаги таълимот майдонга келди. Бунга мувофиқ, сўзшаклларнинг ҳар бир парадигмаси ГК ни ташкил этади.

Лисоний бирликларни муайян парадигмаларга бирлаштиришда уларнинг ҳар бирида такрорланувчи маълум бир белги асос бўлиб хизмат қилади. Ана шу белги бирлаштирувчи белги ҳисобланади. Бу нуқтаи назаридан ҳар бир парадигма аъзоси икки ҳил белгининг бирлигидан иборат бўлади. Уларнинг биринчиси бирлаштирувчи (интеграл) белги бўлиб, бу парадигма ҳосил қилувчи белги саналади. Бошқа белгилар бир парадигмага бирлашган аъзоларни бир-биридан фарқлаш учун хизмат қилади. Улар фарқловчи белгилар ҳисобланади. Кўринадики, ҳар бир лисоний бирлик бирлаштирувчи ва фарқловчи белгилардан ташкил топади. Масалан, *б* фонемаси лабиаллик, портловчилик, шовқунлилик (унда шовқун+овоз иштирок этган), жаранглилик белгиларининг ўзаро муносабатидан иборат. Бу белгилардан ҳар бири парадигма ҳосил қилувчи белги вазифасини бажариши мумкин. Хусусан, “шовқунлилик” белгиси асосида *п, с, ш, к, қ* каби фонемалар билан ундошлар парадигмасига, “жаранглилик” белгиси асосида *в, г, д, ж* каби жарангли ундошлар парадигмасига, “портловчилик” белгиси асосида *п, т, д* каби портловчи ундошлар парадигмасига, “лабиаллик” белгиси асосида *м, п, в* ундошлари билан лаб ундошлари парадигмасига бирлашади. Кўринадики, ундошлардаги ҳар бир фарқловчи белги парадигма ҳосил қилиш вазифасини бажариши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, юқоридаги белгилар парадигма ҳосил қилишда даражаланиш хусусиятига эга. Масалан, “шовқунлилик” белгиси унлилар ва сонорлар парадигмасига зидланган ҳолда ундошлар парадигмасини ҳосил қилади. Чунки ҳар қандай ундошда шовқун иштирок этади. Шовқунга овознинг қўшилиш ёки қўшилмаслик белгиси юқоридаги парадигма ичидан икки парадигманинг ажралиб чиқишига асос бўлади. Яъни “жарангли” (овоз қўшилган) ва “жарангсиз” (овоз қўшилмаган, соф шовқундан иборат) лик белгисига кўра ундошлар уст-парадигмаси жаранглилар ва жарангсизлар кичик парадигмаларига бўлинади.

Уларнинг ҳар бирида маълум дифференциал (фарқловчи) белги парадигма учун ном берган ҳолда бирлаштирувчи белги вазифасини бажаради. Демак, фонема мундарижасини ташкил этган ҳар бир белги фонологик системада функционал нуқтаи назаридан бирлаштирувчилик ёки фарқловчилик вазифаларини бажаради. Лекин фонологик белгиларнинг бу функциялари нисбий характерга эга бўлиб, бир парадигма учун бирлаштирувчилик вазифасини бажарган белги, бошқа парадигма аъзолари учун фарқловчи белги вазифасини бажариши мумкин. Хусусан, ундош фонемаларнинг акустик белгиси жарангли ва жарангсиз ундошлар парадигмаси учун парадигма ҳосил қилувчи, яъни бирлаштирувчи белги ҳисобланса, пайдо бўлиш усули (портловчилар, ёки сирғалувчилар), ёки пайдо бўлиш ўрни (лаб ундошлари, ёки тил ундошлари) белгиларига кўра ҳосил бўлган парадигмалар учун бу белги фарқловчи белги ҳисобланади.

Мана шундай хусусият тилнинг бошқа сатқ бирликлари учун ҳам ҳосдир. Хусусан, *ака* лексемасининг мазмуний мундарижаси, яъни семемаси “қариндошлик”, “эркаклик”, “катталик” семаларидан ташкил топган бўлиб, бу семаларнинг биринчиси синфга (парадигмага) хос сема, яъни бирлаштирувчи сема ҳисобланса, қолган икки сема парадигма аъзоларини бир-биридан фарқловчи сема саналади таркибидаги ҳар бир аъзода такрорланади. Шу билан бирга кичик парадигмалар тузишда катта парадигма учун фарқловчи бўлган белги бирлаштирувчилик вазифасини бажаради. Масалан, *ака, тоға, дада, бобо* лексемалар қатори катта парадигмага хос “қариндошлик” бирлаштирувчи семасига эга бўлиш билан бирга, “эркаклик” бирлаштирувчи семасига ҳам эга. Иккинчи сема катта парадигма учун фарқловчилик вазифасини бажарса, кичик парадигма учун бирлаштирувчилик вазифасини ўтайди. Натижада ўзига хос парадигмалар шажараси ҳосил бўлади.

Парадигматика назарияси тилшуносликда XX аср ўрталарида пайдо бўлган тушунча категорияси назарияси билан узвий боғлиқдир. Тушунча категорияси илдизлари

Беруний, Муҳаммад Чингий, Пор Роял граматикасига бориб тақалса ҳам, лекин унинг назарий асослари О.Есперсен ва И.И.Мешчаниновлар томонидан ишлаб чиқилди.

О.Есперсен асарларида бу ғоя мантиқий категорияларнинг лингвистик категориялар билан муносабати сифатида талқин этилса [6], И.И.Мешчанинов тушунча категориясининг соф лингвистик табиатига эътибор қаратади [7].

И.И.Мешчанинов “тушунча категорияси” атамаси фақат тафаккур томонга ишора қилганлиги туфайли унчалик мақбул эмаслигини таъкидлайди ва бу атаманинг ўрнига *функционал семантик майдон* атамасини тавсия этади. Бундай категория мазмуний жиҳатдан ўзаро боғлиқ, бир семантик инвариант асосида бирлашган тилнинг турли сатҳига мансуб бирликларни ўз ичига олади. Шунинг учун у функционал-семантик категория морфологик, синтактик, сўз ясалиш ва лексик воситалар ёрдамида ифодаланиши мумкинлигини таъкидлайди. Бундай категория маълум структурага эга бўлиши, унинг структурасини функционал –семантик майдон сифатида талқин қилиш мумкинлигини кўрсатади.

И.И.Мешчаниновнинг функционал-семантик категория ҳақидаги қарашлари таъсирида кейинчалик В.Г.Адмони, А.А.Хадеева-Быкова, Г.С.Шчурлар семантик майдон ғоясини олға ташладилар [8].

Парадигма назариясининг ривожланиши ўзаро бир-бирига яқин бўлган парадигма тушунчаси билан майдон тушунчасининг фарқланишига олиб келди. Бундай фарқланиш тилнинг ички тузилишининг кўп поғоналилигининг эътироф этилиши ва лингвистик сатҳ тушунчасининг пайдо бўлиши билан узвий боғлиқдир.

Ф.де. Соссюрнинг ассоциация назарияси ҳотирада ассоциалашган бир сатҳга мансуб бўлган бирликлар муносабатини ҳам, турли сатҳга мансуб бўлган бирликлар муносабатини ҳам қамраб олар эди.

Тилшуносликда майдон назариясининг пайдо бўлиши билан майдон ва парадигма тушунчаларини ўзаро фарқлаш зарурияти майдонга келди. Натижада майдон ва парадигма “гомогенлик-гетерогенлик” белгиси асосида ўзаро фарқлана бошлади [9]. Бир сатҳга мансуб, гомоген бирликларнинг бир умумий белги асосида хотирамизда муайян гуруҳларга бирлашуви парадигма, парадигма аъзоларининг ўзаро муносабати эса парадигматик муносабат санала бошлади. Масалан, келишик парадигмаси, унлилар парадигмаси, ундошлар парадигмаси ва хоказо.

Турли сатҳга мансуб, гетероген бирликларнинг бир умумий белги асосида хотирамизда муайян гуруҳларга бирлашуви майдон ҳисобланади. Демак, майдон турли сатҳга мансуб, лекин бир умумий бирлаштирувчи белги остига бирлашган бир нечта парадигмалардан ташкил топади. Масалан, “шахс” умумлаштирувчи белгиси остида морфологик сатҳдаги эгалик парадигмаси ҳам, кишилик олмошлари парадигмаси ҳам, шахсни аниқлашга қаратилган сўроқ олмошлари ҳам, лексик сатҳга мансуб шахс билдирувчи лексик-семантик гуруҳлар (ЛСГ), лексик-семантик қаторлар (ЛСҚ) ҳам; синтактик сатҳга мансуб предикативлик компоненти бўлган персоналлик ҳам битта майдон “шахс” майдонига бирлашади.

Шунингдек, лексик сатҳда “шахс” семаси остида бирлашган уст парадигма *ишчи, темирчи, мисгар, дурадгор* сингари “касб” парадигмасини; *зиёли, олим, мутафаккир* сингари “интеллектуал қобилият” парадигмасини; ва бошқа шу каби “шахс” семасига эга бўлган парадигмаларни ҳам ўз ичига бирлаштиради. Парадигма ҳосил қилувчи белгиларга кўра парадигмаларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1) гиперонимик белги асосида бирлашган гипонимлар муносабати: масалан, “ўқув қуроллари” гипероними таркибида *китоб, дафтар, қалам, сумка, ручка* каби гипонимлар,, дарахт гипероними таркибида *тол, терак, чинор, ўрик, гилос* каби гипонимлар бирлашиб бир парадигмани ташкил қилади.

Гипероним билан гипонимлар ўзаро жинс-тур муносабатида бўлади. Гипо-гиперонимик муносабат асосида парадигма ҳосил бўлганда сўзловчи фаолиятининг жинсдан турга ёки турдан жинсга йўналишига кўра **суперординатив** (жинсдан турга қараб); масалан, *дарахт-тол, гилос;* **субординатив** (турда жинсга қараб), масалан, *тол, терак, гилос-дарахт* каби турларга бўлинади [10;271]. Гипо-гиперонимик муносабатни *таркибга кириш* муносабати деб ҳисоблаш мумкин. Чунки гипонимлар жинс сифатидаги гипероним мазмунига унинг бир тури сифатида киради. Жинсни билдирувчи лексема семаси барча гипонимларда такрорланади ва у парадигма ҳосил қилувчи сема бўлиб келади. Айни пайтда гипонимлар бирлаштирувчи семадан ташқари фарқловчи семага эга бўлган. Шунинг учун гипонимнинг мазмуний мундаридаси гиперонимникадан бойроқ бўлади.

2) партонимик белги асосида бирлашган партонимлар муносабати: масалан, *дарахт* билан *илдиз*, *шох*, *тана* лексемалари; *китоб* билан *варақ, муқова* лексемалари ўртасидаги муносабат, *уй* билан *том, девор, пол, шип, токча, эшик, дераза* каби лексемалар ўртасидаги муносабат. Бундай муносабатда бутунга хос сема бирлаштирувчи сема сифатида қисмни билдирувчи барча лексемаларда такрорланади. Ана шу сема парадигма ҳосил қилувчи сема саналади.

3) *жилмаймоқ, кулимсирамоқ, ҳоҳоламоқ, қаҳ-қаҳ отмоқ* лексемалари “*кулмоқ*” аташ семаси асосида бирлашади. Демак, парадигма аъзоларининг ҳар бирида такрорланувчи ана шу сема парадигма ҳосил қилиш учун хизмат қилади. Парадигма аъзолари эса бир-биридан белгининг миқдорий даражаланиши нуқтаи назаридан фарқ қилади. Шунинг учун парадигма аъзолари ўртасида градуонимик муносабат мавжуд бўлади.

4) *жилмаймоқ, ишшаймоқ, тиржшаймоқ, табассум қилмоқ* сингари лексемалар қатори ҳам умумий “кулмоқ” семаси, яъни аташ семаси асосида парадигма ҳосил қилади. Парадигма аъзолари бир-биридан “баҳо” семаси билан фарқ қилади. *Жилмаймоқ, табассум қилмоқ* лексемалари ижобий баҳога, *ишшаймоқ, тиржаймоқ* лексемалари салбий баҳога эгалиги билан бир-бирига зидланади.

5) *юрмоқ, қадам ташламоқ, олға босмоқ; ер, замин* сингари лексемалар аташ семалари билан бир парадигмага бирлашади. Бирлаштирувчи сема вазифасини аташ семаси бажаради. Лекин бундай аташ семаси асосида ҳосил бўлган парадигма аъзолари ўртасида зидланиш 3-4 моддада ажратилган парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишдан фарқ қилади.

6) *оқ—қора, узун—қисқа, аччиқ—чучук (ширин), семиз-ориқ* сингари жуфтликлар ҳам ўзаро ассоциатив боғланган. Бири айтилиши билан иккинчиси хотирага келади. Шундай экан, улар ҳам энг кам аъзоли кичик парадигма ҳосил қилади. Бундай парадигмаларда зидлик муносабати парадигма ҳосил қилувчи восита бўлиб хизмат қилади.

7) *қарамоқ, боқмоқ, нигоҳ ташламоқ* лексемалари ҳам бир умумий “қарамоқ” семаси асосида бир парадигмага бирлашади. Айни пайтда парадигма аъзолари, “услубий хослик” семаси билан ўзаро фарқланади.

Кўринадики, 3-,4-,5-моддада кўрсатилган парадигмалар парадигма ҳосил қилувчи белги нуқтаи назаридан умумийликни ташкил этса ҳам, лекин парадигма аъзолари ўртасидаги фарқланиш белгисига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Гипо-гиперонимик ва партонимик муносабатда бўлган лисоний бирликлар “-дан ташкил топади”, “-га киради” типидаги ўзаро интегратив муносабатида бўлган икки сатҳ бирликлари ўртасидаги муносабатга ўхшайди. Масалан, *ишдан* сўз шакли *-иш* ва *–дан* морфема вариантларининг муносабатидан ташкил топгани каби.

Лекин гипероним гипонимларнинг синтагматик муносабатидан ташкил топмайди ва уларнинг ҳосиласидан бир сатҳ юқори бўлган янги бирлик вужудга келмайди. Гипероним ва гипонимлар бир сатҳга мансуб бўлиб, ўзаро хотирада бир-бирини тақозо

этган ҳолда ассоциатив боғланиб туради. Партонимик муносабатдаги бирликлар ҳам худди шундай хусусиятга эга. Шунинг учун ҳам гипонимик ва партонимик муносабатда бўлган бирликлар бир сатҳга мансуб бирликлар муносабати саналади.

Кўринадики, парадигматик муносабат муайян белги асосида хотирада боғланиб турувчи хилма-хил муносабатларни ўз ичига олади. Бу муносабатни чуқур ўрганиш тил эгаларининг хотирасида муҳрланган оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ) ни тўғри ёритишда катта аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Философский словарь.-М., 1986
2. Соссюр Ф де. Курс общей лингвистики. //Труды по языкознанию.- М., 1977
3. Хомский Н. Синтаксические структуры. //Новое в лингвистике. II. - М., 1966
4. Васильев М.Л. Современная лингвистическая семантика.- М.,1990
5. Березин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкознание.- М., 1976
6. Есперсен О. Философия грамматики.- М., 1958
7. Мещанинов И.И.Члены предложения и части речи.- М.- Л., 1945
8. Бондарко А.В. К проблематике функционально-семантических категорий (глагольный вид и «аспектуальность» в русском языке).- ВЯ. – 1967.- №2.- С.18-19
9. Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув.- Т.: Фан, 2007
10. Новиков Л. Семантика русского языка.- М., 1982

Андижон Давлат университети,
2009 йил 10 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. А.Собиров)